

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 186128 на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог (42.11.20.000-00010).

Способ проведения электронный

Дата 17.11.2022

Время рассмотрения 17.11.2022 13:24

Закупочная комиссия Яккасарой тумани Ободонлаштириш Бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	USMANOV OYBEK ASKAROVICH	BOSHQARMA BOSHLOG'I	YAKKASAROY TOB
Секретарь комиссии	KUZIYEVA MALIKA XABIBULLAYEVNA	KOTIBA	YAKKASAROY TOB
Член комиссии	GAYPOVA GULCHEXRA BEKIMBETOVNA	BOSH XISOBCHI	YAKKASAROY TOB
Член комиссии	MIRZARAXMEDOV RAVSHAN ARTIKBAYEVICH	KO'KALAMZORLASHTIRISH VA IRRIGATSIYA BO'LIM BOSHLOG'I	YAKKASAROY TOB
Член комиссии	TUROPOV DEXQONALI DAVRONOVICH	YO'L KO'PRIK XO'JALIGIDAN FOYDALANISH BO'LIMI YETAKCHI MUTAXASSIS	YAKKASAROY TOB
Член комиссии	UMAROV FAXRIDDIN ODILJONOVICH	BOSH MUXANDIS	YAKKASAROY TOB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.11.2022 года № лота 186128.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог (42.11.20.000-00010)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	291 453 649.00
Стартовая сумма	291 453 649.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ	60	2	50	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL TRANS						
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	60	1	50	Экспертная		
KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ	60	60	60	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот низоми рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот нусхаси ташкилот таркибий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот нусхаси ташкилот таркибий структураси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ AKMAL TRANS	60	2	50	Экспертная		
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	60	1	50	Экспертная		
KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ	60	60	60	Экспертная		

Критерий №3 Банк ва солиқдан қаризи йўқлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қаризи йўқлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ AKMAL TRANS	60	2	50	Экспертная		
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	60	1	50	Экспертная		
KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ	60	60	60	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	291 453 649.00	287 344 623.00 UZS	287 344 623.00	00.00	287 344 623.00	17.11.2022 01:06:50	90.48368
KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ	291 453 649.00	260 000 000.00 UZS	260 000 000.00	00.00	260 000 000.00	17.11.2022 11:05:33	100
ООО TERMIZ	291 453	291 000 000.00	291 000 000.00	00.00	291 000	16.11.2022	89.34708

AKMAL TRANS	649.00	UZS			000.00	16:44:32	
-------------	--------	-----	--	--	--------	----------	--

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	Прошел	90.48368	90.48368
KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ	Прошел	100	100
ООО TERMIZ AKMAL TRANS	Прошел	89.34708	89.34708

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 186128 от 17.11.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог (42.11.20.000-00010). определила победителем:

KUCHKAROV STAR ROAD MCHJ
310018058

и резервный исполнитель: ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS (301930528)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	USMANOV OYBEK ASKAROVICH	Согласен	
Член комиссии	GAYPOVA GULCHEXRA BEKIMBETOVNA	Согласен	
Член комиссии	MIRZARAXMEDOV RAVSHAN ARTIKBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TUROPOV DEXQONALI DAVRONOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV FAXRIDIN ODILJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**186128 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куні ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:
Комиссия раиси:

22.11.2022 11:15

USMANOV OYBEK ASKAROVICH

Пудрат шартномаси
11/2022-сон

Кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи **“KUCHKAROV STAR ROAD ”** масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор **А.Кучкарров** бир томондан, иккинчи томондан **«Яккасарой тумани Ободонлаштириш бошқармаси»** номидан Низом асосида иш кўрувчи бошқарма бошлиғи **О.Усмонов** кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи ва биргаликда “Томонлар” деб юритилувчи, мазкур пудрат шартномасини куйидаги ҳақида туздилар.

Шартнома предмети

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда «Күшбеги МФЙ да жойлашган Ёджу институтининг ён томони кириш кучаси маҳсустрянсгача асфальт килиш жорий таъмирлаш» (ЛОТ № 22110012186128) (кейинги ўринларда объект деб юритилади) асфальт ётқизиш курилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича ишлар қиймати

Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ҳамда ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **260 000 000(Икки юз олтмиш миллион)** сўмни шу жумладан ҚҚС **33 913 043,47** ташкил этади.

Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб Пудратчи томонидан 1 (бир) ой ичида лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ объектда 260 000 000(Икки юз олтмиш миллион) сўм миқдорида курилиш-монтаж ишларини бажаради.

Ишлар қиймати узил-кёсил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл кўйилади.

Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;

объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ курилиш - монтаж ишларини амалга оширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси ва ишлатилган машина – механизмлар нархига ваколатли идора (ташкилот, орган) нинг экспертиза хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатларда, курилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади;

объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

мазкур шартноманинг 6.1-бандига мувофик пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

Ишларни бажариш муддати

Пудратчи молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида амалга оширилади.

Қурилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни молиялаштириш ва бажариш жадвали ишлаб чиқилади ва мазкур жадваллар томонлар тарафидан имзоланиб, корхона муҳри билан тасдиқланади ҳамда томонлар молиялаштириш ва бажариш жадвалига мувофик ишларни ташкил этиш мажбуриятини олади.

Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказида, бу 78 000 000 (етмиш саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

Бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла объектнинг умумий шартномавий қийматнинг 65% миқдоридаги маблағлар молиялаштирилади.

Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул

комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномага белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5 % гача миқдорида маблағ молиялаштириб берилади.

Ишларни бажариш

Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб- ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботланса жавобгар ҳисобланмайди.

Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

Коррупцияга қарши талаблар

Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиҳ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

“Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Шартномани бекор қилиш

Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

11.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

11.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4% фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

11.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

11.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

11.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

ХII. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой эгиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, суб пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

Шартнома амал қилиш муддати 31-декабр 2022 йил кунигача амал қилади.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

Пудратчи:	Буюртмачи:
« KUCHKAROV STAR ROAD » МЧЖ	Яккасарой тумани Ободонлаштириш бошқармаси»
Юр. манзили: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Заковат кўчаси 22 уй	Бешчинор кўчаси-43 уй х/р 401722860262877045203110002
Тел: 90 958 42 23	ИНН 200 637 815
Р/сч: 2020 8000 1055 8720 5001	Молия Вазирлиги Ғазначилиги х/р 23402000300100001010
«Ипатека банк» АТИБ Яшнобод филиал.	ИНН 201 122 919 МФО 00014
МФО: 00 959 ИНН: 310 018 058	Банк номи: Марказий банк ХККМ
Директор:  Кучкаров	ОКЭД 81 300 Раҳбар  О. Усмонов



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR**

	Code ni skanerlang.	
Imzolovchi F.I.SH.		OYBEK USMANOV ASKAROVICH
Imzolangan sana		23.11.2022 13:39
Hujjat kodi		DL8118307085
Hulosa kodi		ZI6305548012



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ZI6305548012

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "KUCHKAROV STAR ROAD" MChJ va Yakkasaroy tuman obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasidagi Qushbegi MFY da joylashgan Yodju institutining yon tomoni kirish ko'chasidan maxsustransgacha asfalt qilish bo'yicha pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Umumiy qiymati 260.000.000 so'm bo'lgan shartnoma loyihasi Yakkasaroy tuman obodonlashtirish markazi tomonidan 22.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yakkasaroy tuman
yuridik markaz
markaz rahbari:**



R.A.ASAMOVA

23.11.2022